

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат
Архитектура - Қурилиш Институтини

“Қурилишни бошқариш” факультетини
“Касбий таълим” кафедрасини



Диплом лойиҳасининг ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**Мавзу: Рассом Чингиз Ахмаровнинг “Татар аёли”
асаридан нусха кўчириш ва уни ўқитиш услуби.**

Кафедра мудири: доц. Рахимов А.Қ.
Раҳбар: К.ўқт. Тўраев Ф.Т.
Бажарди: 401-КТ(с) гуруҳини
талабаси Тожиёв О.

Самарқанд 2013 йил.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Қурилишни бошқариш» факультети
« Касбий таълим » кафедраси

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Диплом лойихасининг мавзуси

Расеом Чингиз Аҳмаровнинг
„Татар аёли“ асаридан нуска кўчириш
ва уни ўқитиш услуби.

Диплом лойихасини
бажарувчи толиб (а)

Тожиёв Ориф.

(Ф.И.Ш.)

Кафедра мудири

доц. Рахмонов А. В.

(Ф.И.Ш.)

Рахбар

д. ўқит. Тўраев Ф. Т.

(Ф.И.Ш.)

Рахбар

(Ф.И.Ш.)

Маслаҳатчилар

ўқит. Мемихонов А. А.

(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО)

(ИМЗО)

(ИМЗО)

(ИМЗО)

(ИМЗО)

(ИМЗО)

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура
Қурилиш Институтини

«Қурилишни бошқариш» факултети

«Касбий таълим» кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН
ТОПШИРИҚ

Тожиёв Ориф

401-КТ(с)

(талабанинг фамилияси, исми, шарифи)

I. Диплом лойиҳасининг мавзуси Рассом Чингиз Аҳмадов-
нинг «Татар аёли» асаридан нусха кўтириш ва
уни ўқатиш услуби.

Институт буйича 2012 йил «29» 12. 246 4- сон буйруқ асосида тасдиқланган.

II. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар Рангтаъбирда
нусха кўтириш бўйича келтирилган маълумот-
лар тўғрисида.

III. Тушунтириш хатида келтириладиган:

1. Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, уларнинг таҳлили ва асослаш Тўғрисида
маълумотлар таъмин қилиниб, мавзу асосидаги
ва диплом иши режаси тузилади.
2. Диплом лойиҳасининг назарий шакли ишланмалари Рангтаъбирда
нусха кўтириш асослари ва эратини назариясини
ишлатиш.
3. Диплом лойиҳасининг амалий шакли бўйича эскизлар бажариш Мавзуга
оид рассом асаридан ишлатиш ва керак-
ли ўқатилган ишлов бериш.
4. Ўқув услубий қисми Мавзу бўйича дарс бериш режасини
тузиб 2-соатлик дарснинг мазмунини ҳужжатларини
ишлатиш ва замонавий ўқитиш технологияла-
рини қўллаш дарс ўқитиш услубини эратини.
5. Диплом лойиҳаси бўйича хулоса қисми Диплом ишини бажариш
жараёнида талабанинг диплом иши бўйича маълум
хулосаси келтирилади.
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати Диплом ишини бажариш
жараёнида қўлланган адабиётлар ва мазмунини
ҳужжатлар рўйхати келтирилади.

IV. Диплом лойиҳасининг таркиби ва график қисми:

1. Чингиз Аҳмадовнинг „Татар аёли“ асаридан кўчирилган нусха.
2. „Татар аёли“ асаридан олинган иллюстрация.
3. Даре ретаси ва 80-минутлик даре тақсими.
4. „Муаммо“ даре ўқилиш услуби.

V. Диплом лойиҳасининг қисмлари бўйича маслаҳатчилар:

№	Диплом иши қисмлари	Бошланиши	Тугалланиши	Маслаҳатчилар	Изоҳ
1.	Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, уларнинг таҳлили ва асослаш.	1.03.13	25.03.13	Тураев Ф.Т.	
2.	Диплом иши назарий шаклининг ишланмалари.	26.03.13	12.04.13	Тураев Ф.Т.	
3.	Диплом ишининг амалий шакли бўйича эскизлар бажариш.	13.04.13	10.05.13	Тураев Ф.Т.	
4.	Ўқув услубий қисми.	11.05.13	15.06.13	Маматкулов А.	

Изоҳ:

1. Диплом лойиҳаси «Низом» га асосан бажарилади.
2. Хар бир топшириқда кўрсатилган муддат охирида раҳбар ёки маслаҳатчи томонидан имзолангандан кейин навбатдаги қисмини бажаришга кафедра томонидан рухсат берилади.

VI. Топшириқ берилган сана 1.03.13

VII. Тугалланган диплом лойиҳасини топшириш санаси 15.06.13

Диплом лойиҳаси раҳбари к.ўш. Тураев Ф.Т.
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди Тошев О.
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Кафедра мудири доц. Рахмонов А.Ҳ.
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Мундарижа:

I.Кириш.....	1-2 бет
II. Мавзуни асослаш.....	3-16 бет
а) «Татар аёли» асар ҳақида.....	17-19 бет
б) «Татар аёли» ни рангтасвир воситасида тасвирлаш.....	20-21 бет
в) Нусха кўчириш технологияси.....	22-29 бет
III.Ароф мухит муҳофазаси қисми.....	30-33 бет
IV. Ўқув услубий қисм.....	34-47 бет
V. Хулоса.....	48-49 бет
VI. Адабиётлар.....	50-51 бет

К И Р И Ш

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгилалишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини ва рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқ-атворнинг андозаларини, ўзгартириш республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатланувчи кучидир.

Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маърифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш, давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Бу муҳим мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда, малакали мутахассис кадрлар шак-шубҳасиз ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, улардан оқилона фойдаланиш масаласига катта аҳамият берилди.

Мавзуни асослаш

Мавзуни асослаш:

Мусаввир Чингиз Ахмаров номи Ўзбекистон санъатининг чақноқ юлдузлари орасида ҳақли равишда энг фахрли ўринлардан бирини эгаллайди.

Бу улкан рассомнинг ажралмас бир қисми бўлиб қолди ва кенг халқ оммасининг олқишига сазавор бўлди.

Атоқли санъаткорнинг истедоди кўп қирралидир. У бадиий адабиёт, тарих, мусиқа, меъморчиликка ҳам қизиқади, шунинг учун унинг дўстлари орасида турли соҳа кишиларини учратиш мумкин. Рассомнинг уйи, устахонаси ҳамиша меҳмонлар билан гавжум: ҳар бир меҳмон республикамиз ранг-баранг ва жўшқин ижодий ҳаётининг элчисига ўхшайди. Хуллас, Чингиз Ахмаровни ёлғиз топиш қийин; қачон қараманг ўртоқлари, ёру биродарлари даврасида – фотомухбир ё шоир, журналист ё меъмор, актёр ё композитор билан қизғин суҳбат қилиб ўтирган бўлади.

Чингиз Ахмаровни ёшлар айниқса қаттиқ севади. Ўзининг бой рухий дунёси, меҳрибон мураббийлиги ва самимиятига лиммо-лим қалби билан у ҳаммани ўзига маҳлиё этади. Кишиларнинг қалбига кира билиш эса, ўз навбатида рассом ижодий ҳаётининг сарчашмаларидан бири ҳисобланади.

Ўзининг севган ишига чинакам меҳр фидойилик, илҳом ва муҳаббатдан бошланади. Санъатдан илҳомланиш ва унга нисбатан муҳаббат туйғулари Чингизнинг юрагида жуда эрта – болалик чоғида, ўзи туғилиб вояга етган оила қучоғида пайдо бўлди.

Бўлажак рассом туғилиб ўсган оилада тарихни, халқ бадиий ижодини, шарқ адабиёти ва санъатини билар қадрлар эдилар.

Бу уйда қўлёзма ва тошбосма китобларга бой катта кутубхона мавжуд эди. Отаси жаҳонгашта бўлиб, Туркия ва Саудия Арабистони, Миср ва Туркистон бўйлаб кўп марта саёҳат қилган эди. У қизиқарли сафар таассуротларини бир бошидан ҳикоя қилар экан, Чингизнинг кўз олдида худди минг бир кеча эртакларидаги шаҳарлар, ажойиб ва ранг-баранг халқ санъатини ўзида мужассам этган. Ўрта аср меъморчилиги дурдоналари, бадиий ҳунармандчилик намуналари, турли халқларнинг урф-одатлари тўлалигича намоён бўлар ва унинг қалбига чўмдирар, унинг мана шу мамлакатлар санъатини билиш истагини мустаҳкамлар эди. Унинг рассом бўлиш орзуси ана шундай пайдо бўлган эди.



ЧИНГИЗ АХМАРОВ

1920- йилларнинг охирида Ахмаровлар оиласи Қаршига, сўнг Самарқандга кўчиб келади. Чингизнинг қарашида гўё у болалик чоғидан буён ўйлаб юрган афсонавий шаҳар дарвозаси ланг очилгандек бўлди.

Пермь бадий техникумида таҳсил олар экан, Чингиз барча таътил кунларини Самарқандда ўтказарди. Шарқ шахрининг қайноқ, суронли ҳаёти, унинг бир-биридан ёрқин рангларга тўлиб-тошган бозор ва чойхоналари, пластик аниқлиги, улуғворлиги, маҳобатлиги, меъморчилик ёдгорликларидаги бой нақшлар ва бўёқлар, халқ санъатининг бепоёнлиги ва ранг-баранглиги. Умуман, бутун шаҳар ҳаёти Чингиз Ахмаровга жуда катта, балки ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. “Бадий техникум менга санъат асосларини ўрганиб, ҳаётга йўлланма берди”. Аммо менинг рассом бўлиб етишувимга ҳақиқий тамал тошини қўйган бу – Самарқанд”, - дейди кейинчалик Ахмаровнинг ўзи.


Орадан йиллар ўтиб, таниқли рассом бўлиб етишган, ижодий куч-қувватга тўлиб-тошган Чингиз Ахмаров Москва архитектура институтида намоёниш этган шахсий кўرғазмасида ўзининг энг яхши қораламалари, сафарда чизган суратлари, деворий суратларга ишланган эскиз ва фрагментлари, китобларга ишланган расмлари, рангтасвир асарларини санъат муҳлислари ҳукмига ҳавола қилдики, кўпдан-кўп тамошабинлар, пойтахт бадий жамоатчилиги вакиллари рассомнинг юксак ва нозик диди, баркамол маҳорати, асарларидаги нафислик, сюжет ва мотивларнинг ўзига хослиги, образларнинг бетакрор колоритидан завқландилар, унинг ижодида Шарқ ва Ғарб санъати анъаналари, концепциялари, эстетика ва идеаллари узвий бирлашиб кетганлини яқдиллик билан таъкидладилар.

Қарийб ярим асрлик ижодий фаолиятида Чингиз Ахмаров юзлаб график асарлар яратди. Булар – китобларга ишланган расмлар, Ҳиндистон, Индонезия, Туркия, Миср, Яман, Ливан, Арабистон, Ироқ сафарлари таассуротлари акс этган туркум ишлар, ўнлаб портрет ва тематик полотнолар, спектакль ва кинофильмларга ишланган декорация эскизлари ва ниҳоят, республикадаги ва ундан ташқаридаги жамоат биноларининг ички деворларига ишланган қатор суратлар, уларни деворга кўчиргунча қанчадан-қанча қораламалар, эскиз ва парчалар.


“Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал” деган гапни даставвал ё рассом айтган ёки бевосита рассомнинг асарлари хусусида айтилган бўлса, эҳтимол. Дарҳақиқат, Чингиз Ахмаровдек ниҳоятда ўзига хос бир маҳорат эгаси бўлмиш рассомнинг асарлари тўғрисида бир нарсая дейиш осон эмас.

Биобарин, рассомнинг умумий ижоди ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун унинг айрим асарлари билан танишиб чиқиш кифоя.

Мен тўрт йил давомида бу олий даргоҳда таҳсил олиш давомида кўпгина буюк рассомлар қатори Чингиз Ахмаровнинг ижодини ҳам ўргандим. Тўрт йиллик таҳсилим охирида устоз рассом Чингиз Ахмаровнинг асарларидан бири “Татар аёли” асаридан нусха кўчириб, у кишининг ижодига бўлган ҳурматимни шу орқали билдирмоқчиман. Нимага айнан ушбу асари деган савол туғилиши мумкин. Бунга сабаб, бу асар ўзининг жозибаси билан бошқа асарлардан тубдан ажралиб туради.




РАХИМА 1960




МЕВА КУТАРГАН КИЗ
1962




ШОИРА ЗУЛФИЯ 1965




ПЕШОНАБАНДЛИ АЁЛ
1969




МЕВА КУТАРГАН КИЗ
1969




НОДИРА 1970




РИТОНЛИ СУГД КИЗИ
1972



PAKC 1974




Нурга интилиб 1974



Нодира 1974

а)«Татар аёли» асар ҳақида



ТАТАР АЁЛИ 1968

а) “Татар аёли” асари хақида.

“Татар аёли” асари ўтган асрнинг 68-йилида мусаввир Чингиз Ахмаров томонидан ишланган.

Тасвир қамрови контурли расмнинг пластик чизиқлари ҳамда аҳён-аҳён соя ва ёруғлик тушаётган томонни муносиб ранг бериб кўрсатиш ва ранглар оҳангдошлиги билан амалга оширилган.

Рангларни безакларда жилва бериши, фигура силуэтининг ҳаводай енгиллиги “Татар аёли” нинг идеал гўзалликка мос келадиган образини яратиш имконини берган. Тўлин ойни эслатадиган юзлар, бодом қовоқлар, ёйдай қошлар, ўқ киприклар ... Бир сўз билан айтганда, буларнинг бари анъанавийдек.

Суратдаги аёлнинг чехрасидан чуқур маънони ўқийсиз, у руҳий жиҳатдан ишонарли қилиб тасвирланган.

Бир андозага солингандек туюладиган имо-ишоралар жонли, ҳаракатчан. Аёлнинг руҳий бойлиги тўлалигича намоён бўлган. Рассом ранглар бойлигига, уларнинг ғоявий-бадий вазифасига алоҳида аҳамият берган. У феруза – нилий, пистоқи – яшил, шафтоли гули – пушти, талларанг- сариқ, оч кўк осмон ранг ва баъзи- баъзида қора ранг каби сержило ва тавлонувчан бўёқлардан фойдаланган.

Бу ранглардан халқ усталари, ёғоч ўймакорлиги усталари, дўппи ва сўзана тикадиган чеварлар, меъморлар, миниатюрачи рассомлар кенг фойдаланишади.

Асар табиат фонида тасвирланлаг. Фонда арча дарахтининг бир кўриниши ва миллий татар орнаменти тасвирланган. Аёл бошида миллий татар бош кийими яъни “Қош”. Қулоқларида татар шибирма сирғаси. Қўлининг бешинчи бармоғида узук , билагиди билак узук тасвирланган. Аёлнинг эғнида оч-сариқ кўйлак ва кўк-яшил камзулча тасвирланган.

**б) «Татар аёли»ни
рангтасвир
воситасида
тасвирлаш**

б) “Татар аёли” портрети́ни рангтасвирда тасвирлаш.

Биринчи навбатда ранг тасвир санъати ҳақида қисқача маълумот берсам.

Рангтасвир – тасвирий санъат тури бўлиб, бирор қаттиқ юзада рангли ашёларда, масалан бўёқлар ёрдамида яратиладиган бадиий асар.

Рангтасвир – воқеликни бадиий тасвирлаш ва талқин қилишдир. Томошабин фикри ва туйғуларига таъсир этишининг муҳим воситаси. Муҳим ижтимоий мазмун ва ранг-баранг ғоявий вазифаларга эга.

Рангтасвир - асарининг ғоявий мазмуни унинг мавзу ва сюжетида мужассамлашади.

Гўзал миллий раҳдаги асарлари Чингиз Ахмаровни рангтасвир устаси сифатида элга танитди.

Рассомнинг мақсади – барча ифодадаги табиий уйғунликни шарафлашдир. Мусаввир яратган асарларга назар ташлар экансиз, уларда ранглар уйғунлиги, юқори дид, мукаммал композицион ечим, миллийлик, теран ғоя ва соф рангтасвирда моҳирлик билан юксак асарлар яратганлигига гувоҳ бўласиз.

Энди “Татар аёли” асарига келадиган бўлсак. Бу асар рассом Чингиз Ахмаров томонидан рангтасвирнинг “портрет” йўналишида ишланган. **Портрет жанри** ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсам.

Рангтасвирда портрет жанри.

Портрет – французча **portrait** сўзидан таржима қилинганда тасвир деган маънони билдиради.

Портрет – тасвирий санъат жанри ҳисобланади.

Реал ҳаётда мавжуд бўлган якка, икки ёки бир гуруҳ кишилар, рассом тасаввурларининг тасвири.

Портрет - рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, шунингдек фото санъатининг муҳим жанрларидан биридир.

Портрет - асосида аниқ шахснинг қиёфасини абадийлаштириш ётади. **Портрет**нинг муҳим томони тасвирнинг тасвирланувчи (модель, асли)га айнан ўхшашлигидир. Ижодий портрет орқали тасвирланувчи шахснинг маънавий дунёсини, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, касби, жамиятдаги мавқеини акс эттиради, сиёсий иқтисодий аҳволи ҳақида, маълумот бера олади.

Портрет - тарзида тасвирланувчининг фақат бош қисми, белигача, бутун бўй баста билан олд ва ён томонидан ишланиши мумкин.

Портрет - жанридаги бир асарда кўпинча бир неча жанрлар қўшилиши, мумкин.

Портретда тасвирланувчи соф ҳолда (заминсиз, яъни атроф муҳитда ёки бирор фаолияти билан маълум муҳитда ишланиши мумкин. Шу туфайли шартли равишда портретни портрет ва портрет картина (жанрли портрет) га ажратилади.

в) Нусха кучириш технологияси

в) Нусха кўчириш технологияси.

Нусха кўчиришда авваламбор оригинал ишнинг яратилиш техникаси, технологияси таҳлил қилинади ва унинг янги нусха-ижрои учун нималар кераклиги олдиндан белгилаб олинади. Масалан: агар бирор таниқли рассомнинг намунали, машҳур рангтасвир асарини кўчириш керак бўлса, ишни бошлашдан аввал у қандай материалга нима билан чизилганлиги аниқлаб олинади. Иш қандай босқичлар асосида, қандай техник усулларни қўллаб яратилгани тадқиқ этилади. Сўнг барча жараёнлар оригинал ишни ишлаш жараёнидагидек барча ўзига хосликлар ҳисобга олиниши кераклиги эътиборда тутилади.


Рангтасвирлардан нусха кўчиришда ўзига яраша қонун-қоидаларига амал қилиниши лозим. Нусха олинadиган ишнинг кўчирмалари аниқланиб сўнг ўша ўлчамдан бир, бир ярим сантиметр кичикроқ ёки каттароқ матога (катта катта тўқимадами , ёки майин сатҳлими) ишланганлигига қараб иш юритилади. Нусха учун аслиятдаги каби материаллар танланиши муҳим.

Шунда асар нусхаси оригиналига ўхшаб чиқишига эришилади. Агар асар музей экспонати бўлса ва унинг репродукцияси қўл остида мавжуд бўлса ана шу намунанинг кичик суратини катакларга чизиш орқали катталаштириб тарҳини тушириб тайёргарлик қилиб олиш лозим. Бунда албатта асарнинг тасвири масштабга мувофиқ олиниши керак. Асарда қандай бўёқ турлари ва хиллари фойдаланганлигини аниқ билиб олиш тақозо этади. У суюқ ёки қуюқ суртмаларда ишлаганлигини билиш, ўрганиш ҳам муҳим.


Нусха кўчирувчи фақат тасвир тарҳи эмас балки рассом услубини, техник йўллари ҳам ўхшатиши, ундан маҳорат сирларини ўрганиши лозим. Нусха кўчиришдан мақсад ҳам шунга йўналтирилиши керак.


Нусха кўчириш жараёни қуйдагича бажарилади:


- аввал асар репродукцияси топилади;
 - намуна ўлчами аслига яқин қилиб олинган картон-қаламтасвири ишлаб чиқилади;
 - ромбга мато тортиб у гурунтланади;
 - аслиятда қандай бўлса шундай усулда, техникада ишлашга ҳозирланади (грунт рангига аҳамият қаратилади) ;
 - аслиятдагида асосий роль ўйновчи ранглар политраси тайёрланади (саралаб, идишдан чиқарилади);
 - тайёр мато юзасига қаламтасвир туширилади, бунда қорақоғоздан фойдаланиш мумкин;
 - қалам тарҳи суркалиб кетмаслиги учун унинг устидан жагарранг ёки “ультрамарин” бўёқни суюқроқ қилиб кичкина мўйқаламда юргизиб чиқилади;
 - тасвир аниқ бўлгач, остсуртмалар бажарилади;
 - аста-секин бўёқ қатлами устидан керакли ранглар ўз вазифасига, кўра ошириб (баъзи ерда суюқ, баъзи керакли ерда қуюқ қилиб) борилади;
 - аввал каттароқ мўйқалам ишлатилиб, тасвир деталлаштирила бошлагач кичикроқ мўйқаламларга ўтилади;
 - асл асарга бот-бот қараб ўхшаш-ўхшамаётганлиги текширилиб турилади;
- Асар нусхаси барча кўзда тутилган, талаблар бажарилгач ниҳоясига етказилади ва ҳошия ромб билан безатилиши керак.











Таянч тушунчалар:

- 1. Нусха кўчириш – асл асардан қараб яна бир ҳудди ўшандай иш бажариш.**
- 2.Литография – тошбосма расмда нусха кўчириш.**
- 3. Офорт – металлга ўйиб, нусха олиш.**
- 4. Гравюра – линолиум ёки ёғочга ўйиб, сўнг ундан босма расм, нусха олиш.**
- 5.Учлик(тройник) – нусха кўчиришда фойдаланилган суюқлик.(эритгич, скипидар, мой лок).**
- 6. Дастлабки ишлов – остсуртма (подмалёвка) нусха кўчиришда муҳим жараён.**
- 7. Устсуртма – лессировка, қуюқ бўёқ устидан суюғи билан жиловлантириш техникаси.**

III. Атроф мухит муҳофазаси қисми

Табиат дейилганда биз ўзимизни ўраб турган ҳаво, сув, тупроқ, тоғ жинслари, ўсимлик ва ҳайвонотларидан иборат мураккаб моддий борлиқни кўз ўнгимизга келтирамиз.

У инсоннинг барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи ягона манба ҳисобланади. Бу жиҳатдан уни онага қиёслаб, бежизга “Она табиат” деб ардоқламайди. Ҳозир инсон ақл-заковати туфайли ердан бир неча миллиард ёруғлик йиллига тенг келадиган узоқликларни “кўраётган” бўлса ҳам бизга маълум бўлган Оламда бирортаям ер сайёрасининг табиатига ўхшаш табиат ва ҳаёт шакли мавжудлиги аниқланмаган. Ер табиати ягоналигини яққолроқ тасаввур қилиш осон бўлиши учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз. Ҳозирги илмий маълумотларга қараганда биз билган олам (коинот) бир неча галактикалардан ташкил топган.

Бу галактикаларнинг ҳар бири неча-неча миллиард юлдузлардан ва бошқа фазовий унсурлардан иборат улкан тузилмалардир. Жумладан, бизнинг Қуёшимиз жойлашган “Сомон йўли” галактикасида 150 миллиарддан зиёд турли ўлчамлардаги юлдузлар бўлиб, Қуёш ундаги ўртача катталиқдаги юлдузлардан бири ҳисобланади, холос. Қуёш атрофидаги 9 та сайёра ва бошқа фазовий жисмлар билан биргаликда Қуёш системасини ташкил этади. Бу системанинг диаметри 12 миллиард километрга тенг бўлиб, умумий массасининг 98-99 фоизи қуёшда жамланган. Бизнинг ер эса мана шу системанинг ўртача катталиқдаги битта сайёрасидир.

Табиатнинг инсон ва жамият учун аҳамияти жуда катта ва турли-тумандир. Уни инсон эҳтиёжини қондириш жиҳатларига қараб, иқтисодий, илмий, соғломлаштириш, тарбиявий ва эстетик каби аҳамиятларини фарқлаш мумкин.

Иқтисодий аҳамияти дейилганда ундаги ресурслардан (ҳаво, тупроқ, минераллар, ўсимлик ва ҳайвонлар) турли ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий моддий манба сифатида фойдаланиш тушунилади.

Маълумки, инсон ва жамият эҳтиёжларини қондирувчи барча маҳсулот ва хомашёлар табиий манбалар ҳисобига яратилади.

Илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, инсоннинг барча билимлари негизида табиат ва ундаги турли жараёнларни кузатиш, ўрганиш, таҳлил этиш ва амалий хулосалар қилиш ётади.

Соғломлаштириш аҳамияти дейилганда соф табиий унсурлар (мусаффо ҳаво, тоза сув, унумдор тупроқ, баҳаво ўрмон)нинг ва шифо берувчи табиий модда ва жараёнларнинг инсон саломатлигига ижобий таъсири тушунилади. Бундан қарийб минг йил аввал яшаб ўтган буюк ўтмишдошимиз Абу Али ибн Сино “Одамлар саломатлиги ташқи шароит балан чамбарчас боғланган” деганда табиатни айнан шу хусусиятини назарда тутган бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Тарбиявий аҳамияти дейилганда соф ҳақиқий табиатни кишиларда олийжаноблик, хушфевллик, бағрикенглик, ватанпарварлик, улуғворлик, мулойимлик каби ахлоқий ҳислатларни уйғотиш ва шакллантириш хусусиятлари тушунилади. Табиат қўйнида ёки тез-тез у билан бирга бўлиш инсонларнинг ёшидан қатъий назар уларда инсоний фазилатларнинг камол

топишига ёрдам беради. Жамиятда кузатилаётган руҳий қаршшоқлик, лоқайдлик, кўполлик, жаҳлдорлик, раҳм-шавқатсизлик, вахшийлик каби иллатларнинг авж олиш сабабларидан бири ҳам кишиларни сунъий (техноген) муҳитга тушиб, табиатдан ажралиб қолганликларидандир.

Табиатнинг эстетик аҳамияти бекиёсдир. Инсондаги барча гўзаллик, мукамаллик, мусиқа, тасвирий санъат, куй-наво ҳислари ва уларга бўлган эҳтиёжларнинг негзида табиат ётади.

Табиатдаги ям-яшил водийлар, зилол сувли булоқ ва сойлар, пурвиқор тоғлар, хушовоз ва чиройли қушлар инсон учун фақат моддий неъматлар манбаигина эмас, балки битмас-туганмас ижод, гўзаллик, дид ва руҳий қувват манбаидирлар.

Кўриниб турибдики, инсон ҳам жисмонан, ҳам руҳан атроф-табиий муҳит билан модда, энергия ва ахборот алмашиб туришга мажбурдир.

Бу деган сўз, инсон табиатни таркибий қисми сифатида у билан биргаликда, уни ичида мавжуд бўла олади демакдир.

Инсоннинг табиатга таъсири бошқа фаол бўлмаган мавжудотлар (ўсимлик ва ҳайвонот) таъсирига нисбатан фаол ва характерли жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Яъни, инсон онги туфайли табиатда ўз эҳтиёжи ва мақсадига мувофиқ тарзда ўзгартириш ва мослаштириш имкониятига эга.

Табиат билан бўладиган муносабатларда инсонга фаоллик ва бошқа тирик мавжудотлар орасида етакчилик қилиш ҳуқуқини берувчи омил инсон онги ижтимоий муҳитда, яъни фикрлардан келиб чиқиб инсонни иккита, яъни табиий ва ижтимоий муҳитларнинг маҳсули бўлган биоижтимоий мавжудот деб аташ мумкин. Инсонда ҳам моддий (тана) ва руҳий (онг) моҳият мужассамлашгандир. У тирик мавжудот сифатида табиат маҳсули, онги туфайли эса ижтимоий муҳит (жамият) маҳсули ҳисобланади. Ўзларининг биологик хусусиятлари, ижтимоий мавқелари ва бошқа шароитларига кўра турлича онгга бўлган кишилар биргаликда кишилик жамиятини ташкил этадилар. Бундан кўриниб турибдики, инсон табиат билан жамият ўртасидаги боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Бундан яна шундай хулоса ҳам келиб чиқадики, инсон табиатни узвий таркибий қисми бўлганлиги учун улар ташкил этган жамият ҳам табиатсиз мавжуд бўла олмайди. Бошқача қилиб айтганда, табиат, инсон ва жамият яхлит бир тизим сифатида фаолият кўрсатадиган ҳамда улар мазкур тизимнинг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланадилар. Мазкур ўринда шуни ҳам эсда тутиш зарурки, тизимнинг компонентларидан бири бўлмиш жамият онг туфайли моддий борлиқнинг энг олий ривожланган шакли ҳисобланади. У бир қатор ўзига хос ички ижтимоий қонуниятлар асосида ривожланади.

Мана шу қонуниятларни тизимнинг бошқа компонент (табиат ва инсон) лари ривожига тўсиқ бўлмаслиги экологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ҳар қандай тизимнинг барқарорлиги компонентларнинг ўзаро муносиб равишда ривожланиши ва улар орасидаги муносабатлар мувозанатлашган ҳолатда бўлишини тақозо этади, акс ҳолда тизим бузилади ва асл хусусиятларини йўқотади.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- Ер сайёраси ва ундаги табиат ҳамда ҳаёт шакли инсонга маълум бўлган оламда ягонадир;
- Табиий борлиқ инсон ва жамиятнинг ягона моддий негизидир;

- Табиат, инсон ва жамиятни яхлит тизим деб қараб, уларни биргаликда ўрганиш зарур;

Бу тизимнинг бирор-бир компонентидаги ўзгариш унинг бошқа компонентларида адекват тарздаги ижобий ёки салбий ўзгаришларнинг юз беришига олиб келади.

Мавжуд илмий манбаларга асосланиб, ер сайёраси ёшини 4,7 миллиард йил деб айтиш мумкин. Мана шу ўтган узоқ геологик давр мобайнида ерда ўзига хос табиат шаклланиган.

Ер табиатнинг эволюцион, спиралсимон тадрижий тараққиёти бир неча босқичларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга.

Табиатнинг шаклланиши, эволюцияси ва асосий хусусиятларини ўрганиш билан бир қатор табиий фанлар шуғулланади. Экология фани нуқтаи назаридан табиат компонентлари орасидаги ва улар ичидаги мувозанат қандай қарор топганлиги ҳамда уни жамиятнинг табиатга таъсири кучайиб бораётган ҳозирги пайтда қандай қилиб сақлаб туриш мумкинлиги асосий аҳамиятга эга.

Табиатни ташкил этувчи таркибий қисмлар ҳаво, сув, тоғ жинслари, ўсимлик ва ҳайвонотлар орасида ва табиатдаги турли модда ва энергия алмашинуви жараёнларида, узоқ геологик даврлар мобайнида ўзига хос барқарорлик ҳолати юзага келган. Табиатдаги мана шу барқарорлик табиий ёки экологик мувозанат деб аталади. Ернинг табиати ўзига хос қонуниятларга эга бўлган турли ички ва ташқи таъсирларга маълум даражада бардош бера оладиган мураккаб функционал тизимдир. Бу тизимнинг ташкил этувчилари, яъни табиатнинг таркибий қисмлари доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлгани туфайли ундаги мувозанат ҳам динамик ҳолатда мавжуд бўла олади.

Табиатнинг нозиклиги, гарчи у улкан тузилма бўлса ҳам, унга таъсир этишнинг осонлиги айнан ундаги мана шу мувозанат ҳолати туфайлидир.

IV. Ўқув услубий қисм

Педагог қандай бўлиши керак.

“Педагогика” термини грекча икки сўз – “пайс”, яъни бола ҳамда “эгейн”, яъни бошлаб бориш, бошқариш, тарбиялаш деган сўзлардан келиб чиқади.

Тарихдан шундай бўлиб чиқдики, педагогика асосан болаларни, ёш авлодни тарбиялаш ҳақидаги фан сифатида тараққий этди.

Педагогика ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фандир. Кишилиқ жамият тараққий этиши билан у ҳам ўсиб боради. Кишилиқ жамияти пайдо бўлиши билан одамларнинг меҳнат фаолияти процессида уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат малакалари пайдо бўлди ва улар ўзгариб, орта борди, уларда турли меҳнат қуролларини ишлата билиш кўникмалари ҳосил бўлади ва бу қуролларни такомиллаштириш қобилияти, нутқ ва тафаккур ўсиб, ривожланиб борди. Кекса авлод меҳнат процессида орттирилган тажрибаси асосида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам меҳнатда иштирок этишга ўргатиши керак эди ва шундай қилди.

Шундай қилиб, тарбия кишилиқ жамияти практик эҳтиёжининг объектив заруратидан келиб чиқди, шу жамият билан бирга ривожлана борди.

Педагог яъни ўқитувчилик касби ҳам жуда мураккаб касблардан биридир. Ҳозирги замон ўқитувчиси зиммасига ёш авлодни жисмоний жиҳатдан пишиқ, руҳан тетик, билимдон, ватанпарвар, мамлакатимизда демократик жамият қуришнинг вазифаси юкланган. Шунинг учун ҳам у кенг маълумотли ва юксак маданиятли киши бўлиши лозим.

Ўқитувчи талабаларни севиши, уларга чинакам ғамхўрлик қилиши ва улар билан ўз фарзандидек муносабатда бўлиши керак. Талабалар меҳрибон, очиқ кўнгил, ўзини уларга яқин тутадиган ўқитувчини севадилар, ҳар бир ишда унга эришишга ҳаракат қиладилар, ҳатто шундай ҳислатларга эга бўлган педагоглардан баъзиларини умр бўйи унутмайдилар.

Ўқитувчига хос хусусиятлардан яна бири талабалар билан бир меёрда муносабатда бўлиш, лекин уларга нисбатан қатъий ва жиддий талабчан бўла олишдир. Ўқитувчи талабалар билан яқиндан муносабатда бўлиш, уларга доимо ғамхўрлик қилиш билан бир вақтда, уларни эркалитиб ҳам юбормаслиги керак.

Талабалар ўзлари билан ҳаддан ташқари кўпол муомалада бўлувчи ўқитувчини севмайдилар. Бас, шундай экан, ўқитувчи талабалар билан бир меёрда муомала қилиши керак.

Шунинг учун ҳамиша янги талабалар сари дадил қадам ташлаб борувчи, янгиликлар изловчи ҳар бир ўқитувчи таълим-тарбия йўлларига жавоб бера оладиган даражага кўтариш учун табиат ва жамиятнинг вужудга келиш ҳамда тараққий этиш қонуниятларини яхши билиши керак. Ўқитувчи синфда ва синфдан ташқарида ўқувчилар ўртасида олиб борадиган таълим-тарбия ишида уларни ҳозирги замон масалалари билан таништиради, уларга янги кишига, демократия шароитида яшайдиган кишига хос ҳислатларни тарбиялайди.

Замонавий ўқитиш технологияси.

Касбий таълим деганда, талабаларнинг муайян типдаги ўқув юртида (лицей, коллеж, институт) ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда системага солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушинилади. Бу билим, малака ва кўникмалар доираси энг муҳим фактлар, илимий тушунчалар, қонун ва назарияларни, дунёқараш ғояларини, ахлоқий ҳамда эстетик нормалар ва идеалларни, талабаларнинг кўрсатган маълумотларини ўрганиши уларнинг илмий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш усуллари ҳақидаги материалларни шунингдек малака ва янги замонавий билимларни (компьютер ва бошқалар) амалда қўллаш ва янги билимларни эгаллашдаги малака ҳамда кўникмаларни ўз ичига олади. Касбий таълимнинг мазмуни бир қатор факторларни ҳисобга олиш билан белгиланади, бу факторларнинг асосийлари қуйдагилардир:

а) Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг объектив эҳтиёжлари ҳамда фан ва техниканинг тараққиёт даражаси, ижтимоий тузумнинг характери, бунга давлатимизнинг ҳозирги пайтда олиб бораётган, касбий таълим назарияси ва маънавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чора тадбирлари ҳақидаги босқичма-босқич ислохатлари киради.

б) Давлатимиз муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари. Бундай типдаги ўқув юртлари сарасига ўқиш муддати камида 3 йил бўлган академик лицейлар ва касбий коллежлар кириб, улар олдига “Ижодий ва ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган юқори умумий касбий маданиятни касб этган мутахассислар янги баркамол авлодни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Бундай баркамол авлодни шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1998-йил 24-февралда қабул қилинган “Академик лицейлар ва касбий коллежлар ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини бошқариш тўғрисида”ги қарори касбий коллежлар учун малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларини ҳам белгилаб беради.

Бу ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлари Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогока Университети, Наманган Мухандислик Педагогика Институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти ва бугунги кунда битирув малакавий мавзуларини ҳимоя қилаётган “Самарқанд Давлат Архитектура ва Қурилиш Институти “Касбий таълим” йўналиши талабаларидир. Бу эса давлатимизнинг ўқув юртлари олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохатлари бўлиб, Касбий таълим Санъат йўналиши бўйича битириб чиқаётган навбатдаги талабаларнинг имкониятларини эътиборга олувчи дидактик талабалар.

Касбий таълимнинг мазмуни тарихий характерга эга. Кишилиқ жамияти тараққиётининг турли босқичларида у турлича бўлган. Бунунга келиб эса Касбий таълимнинг дастлабки дастурида талабалар амалий-маънавий касб дарсларида эгаллаши лозим бўлган, илмий техникавий билимларнинг меҳнат кўникма ва малакаларининг ҳажми ҳамда мазмуни белгилаб берилади. Дастурда жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ёшларга касб таълими бериш ва уларни тарбиялаш соҳасида давлатимиз томонидан қўйилган мақсад ва вазифалар конкрет ўз ифодасини топди.

Касбий таълим дастури ўқув режа асосида ишлаб чиқилади ва демократик давлатда Олий ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Вазирлиги томонидан тасдиқланади. Касбий таълим ўқитувчиси ўзининг кундалик иш фаолиятида бу дастурга амал қилиб, дастурда кўрсатилган мавзуларга маъруза матнлари ёзиб дарсга киради. Бу дастурга амал қилиб, унинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Касбий таълим дастурини ишлаб чиқиш вақтида бир қанча талаблар ҳисобига олиниши керак. Дастурнинг мазмуни дидактик принципларга тўла-тўқис жавоб бериши: мураккабликнинг ўсиб бориши ҳисобига олинган ҳолда ва касбий таълимнинг танланган дидактик системасига мувофиқ равишда муайян изчилликда баён қилиниши: (КТ қурилиш - КТ санъат) мисолида кўриш мумкин.

Турмуш билан суверен ва демократик давлат тузиб, озод ва обод Ватан қуриш билан боғлиқ бўлиши: меҳнат объектларининг тавсия қилинадиган рўйхати эса бўлиши: табиий-илмий циклдаги умумий таълим фанлари (физика, математика, химия, чизмачилик, расм, рангтасвир ва ҳакозолар) билан боғланишни амалга ошириши: Курсдан курсга ўтиш вақтида ўқув материали касбий таълим дастурларида мунтазам концентрик структурага мувофиқ равишда жойлаштирилади. Бунинг маъноси шуки, талабаларда конструкторлик кўникмаларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган меҳнат жараёнларини, мавзуларни ўрганиш, ишларининг технологик хариталарини ражалаштириш ва ҳакозоларнинг бажарилиши мунтазам тартибда жойлаштирилади, яъни ҳар бир кейинги мавзу олдинги мавзунинг давоми бўлади.

**Махсус фан ўқитувчиси
Тодиев Орифнинг
4-соатга мўлжалланган.**

**“Тасдиқлайман”
Ўқув ишлар бўйича
Директор ўринбосари.**

Дарс режа матни.

Гуруҳ : 210

Сана : 13.04.2013 й.

Дарснинг тартиб сони: №____2____ 4 соатга мўлжалланган.

Дарснинг мавзуси: “Нусха кўчириш технологияси”

Дарснинг мавсади: талабаларга нусха кўчириш кетма-кетлигини тушунтириб бериш.

Таълимий: ишлаб чиқариш таълими жараёнида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш.

Тарбиявий: талабаларни касбий малакаларини шакллантиришда устоз-шогирд анъаналарига амал қилишни ўрганиш.

Ривожлантирувчи: Талабаларга индивидуал усулда топшириқ бериб, уларнинг ижодий қобилиятини ўстириш.

Дарснинг тури.

Дарсда қўлланиладиган асосий усуллар.

1. Дарснинг жиҳозлари : Ушбу дарсга таълуқли бўлган асбоб-ускуналар, маериаллар, чизмалар.

2. Ўтган дарс мавзусини сўраб, мухтахкамлаш ва талабалар билимини баҳолаш:

а) Нусха кўчириш технологиясини биласизми ?

б) Репродукция нима дегани?

в) Литография сўзининг маъносини айтинг ?

3.Ўтилган мавзуга якун яшаш.

4. Янги мавзунинг боши.

5. Ўтилган мавзу юзасидан савол жавоблар.

6. Уйга вазифа.

7.Дарсни якунлаш.


Дарснинг бориши.

Режа:

1. Нусха кўчириш кетма-кетлигида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш.
2. Нусха кўчиришдаги график ишларни бажаришда, устоз-шогирд анъаналари. Устоз ва шогирднинг ўзаро меъзонлар асосида иш юритиб бориши.
3. Юқорида ўтилган дарс кетма-кетлиги жараёнида талаба тафаккури, касбга қизиқтиришни ошириб, ривожлантириш орқали мавзуга оид нусха кўчириш.
4. Асар репродукциясига қараб, олдиндан тайёрлаб олинган рамка юзига каттакча усулидан фойдаланиб, катталаштирилган масштабда тушириш.
5. Тайёр бўлган қаламтасвирни, гуашь ва эмульция аралашмасидан тайёрланган ранглар ёрдамида, мўйқалам билан ранглаш.

Фаннинг технологик жараёни.

Рассом Чингиз Ахмаров асарларидан нусха кўчириш мавзусида муаммоли ўқитишнинг технологик схемаси.



Дарс ўтиш режаси. (80-минутлик дарс тақсимоти).

№	Дарс босқичи	Дидактик жиҳозлар.	Мавзу ва унга доир ҳаракат.	Усул .	Вақт (минт).
1	2	3	4	5	6
1.	Ташкилий қисм	Гуруҳ журнали	Саломлашиш, давлат. Тарбиявий суҳбат.	Савол Жавоб	5
2.	Уй вазифасини текшириш ва баҳолаш.	Досак, Бажарилган иш, ўзгартириш варағи.	а) Бажарилган уй вазифаларини текшириш. б) Ўтган дарс мавзусини сўраб мустаҳкамлаш. в) Билимларни мустаҳкамлаш.	Назорат. Тақдимот ва мунозара. Жорий баҳолаш	5 10 5
3.	Мотивация	Ҳаётий мисоллар	Қизиқарли Ўйин.	Суҳбат	5
4.	Янги мавзу баёни	Доска	Нусха кўчириш технологиясини биласизми? – Савол ёрдамида “Муаммоли вазият”	Муаммоли Вазият.	5
5.	Мавзуни мустаҳкамлаш.	Доска, Технологик Харита.	Талабаларнинг муаммо устида фикрлашуви.	Мустақил Ўқиш.	5
6.	Мавзуни тушунтириш.	Тарқатма материаллар,	Муаммони ечишда ўқитувчининг кўмаги.	Маъруза.	5
7.	Мавзуни мустаҳкамлаш	Адабиётлар.	Талабалар “Нусха кўчириш технологияси” мустақил ўрганадилар. (Адабиётлар ёрдамида)	Мустақил Иш.	20
8.	Назорат Баҳолаш.	Маъруза. (нусха кўчириш технологияси ҳақида).	а) Ўқитувчи нусха кўчириш технологияси ҳақида тўлиқ маълумот беради. б) Талабалар биргаликда муаммони ечган ҳолда нусха кўчириш технологияси ҳақида тушунчага эга бўладилар.	Маъруза. Тақдимот.	 10
9.	Якуний Қисм.	Технологик харита	а) Якуний хулоса, фикрларни жамлаш. б) Ўйга вазифа.	Маъруза. Мустақил Ўқиш.	 5

Тузувчи фан ўқитувчиси:

Тожиев Ориф.

Т/р	Бўлим ва мавузулар нинг номи	Машғуллот тартиби рақами	Дарс ўтган кун	Дарсга ажратилган соат	Машғуллот тип ва тури	Кўргазмалар Қуроллар ва техник воситалар	Мустақил иш тури Амалий лаборато рия Тадқиқоти.	Ўй вазифаси	Адабиётлар	Фанларaro боғлиқлиқ	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Мутахассис- ликка кириш.	№1	2.04.13	2	Оғзаки Амалий	Тасвирий Санъатга оид плакат ва слайдлар.	Тасвирий Санъатга оид билим ва кўникма ларнинг ёзма баёни.				
2	Кириш Тасвирий санъат асослари.	№2	14.04.13	2	Оғзаки	Тасвирий санъатга асосларини исботлаб берувчи плакатлар					
3	Тасвирий санъат турлари.	№3	20.04.13	2	Оғзаки	Тасвирий санъат турларига оид расмлар.	Ҳар бир санъат турларини иш дастурига ёзиб бориш.	Ўқуб Келиш	Опух- тин	Тарих Адабиёт	
4	Санъатда мазмун ва шакл.	№4	26.04.13	2	Оғзаки	Санъатда мазмун ва шаклга оид баённомалар ва расмлар.		Ўқуб келиш	Опух- тин	Тарих Адабиёт	
5	Тасвирий санъат жанрлари	№5	2.05.13	2	Оғзаки	Тасвирий санъат жанрларига оид расмлар.					
6	Рангтасвир санъати	№6	8.05.13	2	Оғзаки	Рангтасвир санъатига оид плакатлар.	Плакатларни ўрганиш	Тани- шиш.		Расм	

7	Нусха кўчириш технологияси	№7	14.05.13	2	Оғзаки	Нусха кўчириш технологияси-га оид плакатлар	Плакатларни ўрганиш.	Танишиш.		Расм	
8	Дарс ўтиш хонасида хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги	№8	20.05.13	2	Оғзаки ва амалий	Хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлигига оид плакатлар.	Плакатларни ўрганиш			Физика Химия	
9	Нусха кўчиришда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, мўйқаламларни сақлаш қоидалари.	№9	26.05.13	2	Оғзаки	Маълум усуллардан фойдаланиш.					
10	Нусха кўчиришда ишлатиладиган мойбўёқ турлари	№10	1.06.13	2	Оғзаки	Мойбўёқ турлари тасвирланган слайдлар	Энг сифатли мойбўёқни танлаш.	Сифатли мўйқалам танлаш		Физика Химия	
11	Асар нусхасини қоғозга чиқиш.	№11	7.06.13	4	Амалий	Асар репродукцияси	Репродукция.			Химия	
12	Нусха кўчириш ҳақида тушунча	№12	13.06.13	2	Оғзаки	Нусха кўчиришга оид плакатлар	Нусха кўчиришга оид плакатлар				
13	Асар нусхасини қаламда сўнгра рангда керакли ўлчамда чизиб олиш.	№13	19.06.13	4	Амалий					Қалам-тасвир Ранг-тасвир	
14	Репродукцияга қараб нусха кўчириш.	№14	25.06.13	4	Амалий	Репродукциядан Фойдаланиш.	Асар нусхасини Қоғозга Тушириш.			Чизма-чилик	
15	Тақдимот Жами			50							

Тузувчи фан ўқитувчиси:

Тожиёв Ориф.

Самарқанд вилояти
Самарқанд шаҳар
Санъат коллежи
Рангтасвир
№ _____ гуруҳи
мураббийси

“Тасдиқлайман”
Коллеж маънавият
ва маърифат ишлари
бўйича директор
ўринбосари.

**Тожиёв Орифнинг 2012-2013
ўқув йилида бажариладиган маънавий
ва маърифат ишлар режаси.**

№	Бажариладиган тадбирлар.	Бажариш Муддати	Изоҳ
1.	Август	25.08.12	Маънавий Ва маърифат бўйича директор ўринбосари.
	Дарс синфхонасининг давлат рамзлари: “Президент портрети, давлат герби, давлат байроғи, давлат гимни” ва президент асарлари билан жиҳозлаш.		
2.	Сентябр		
	1-сентябр Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига бағишланган тадбирда қатнашиш.	1.09.12	Мураббий
	Сентябр		
3.	Билим юртининг талаблари, билим юртининг ички қонун-қоидалари билан таништириш.	2.09.12	Директор Мураббий
4.	Октябр	Доимий	Мураббий
	Чингиз Ахмаровнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида суҳбат.		
5.	Гуруҳ давомати ва ўқиш жараёнини текшириб бориш.		

6.	Ноябр	Доимий	Тарих Ўқитувчиси.
	Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзий белгилари ҳақида талабаларга тўлиқ маълумот бериш.		
	Декабр		
7.	“8-декабр Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни” мавзусида талабаларга маъруза ўқиш.	7.11.12.	Мураббий Тарих Ўқитувчиси
8.	Январ	25.01.13.	Мураббий
	I-ярим йиллик якуни, гуруҳнинг умумий ва махсус фанлардан тўплаган жорий, оралиқ ва якуний назорат рейтинг балларини кўриб чиқиб, талабалар билан биргаликда таҳлил килиш.		

Тузувчи гуруҳ раҳбари:

Ўқитувчи. Тожиев Ориф.

V. Хулоса

Хулоса.

Сам ДАҚИ да тўрт йиллик таҳсилим давомида кўп рассомлар ижоди билан танишишга мувофиқ бўлдим.

Улар орасида таниқли рассом Чингиз Ахмаров ижоди ўзига жалб қилди. Айниқса рассомнинг миллий рухдаги қизларни моҳирона тасвирлаши менда катта таъсурот қолдирди. Ана шу таъсуротлар таъсирида, раҳбарим билан ишимга айнан шу мавзуни танлашга қарор қилдим. Бу маъсулиятли ишни бажаришда устозлардан олган билим ва кўникмаларим кўл келди деб ўйлайман.

Диплом ишини баҳолаш, сизларни ҳукмингизга ҳавола ҳурматли ДАК райси ва комиссия аъзолари.

Ўз навбатида эса мен биринчи бўлиб устозларимга, раҳбаримга, улар қатори ота-онамга раҳмат айтаман.

VI. Адабиётлар

Адабиётлар:

1. Миллий истиқлол ғояси. Тошкент. 2000 й. “Ўзбекистон” нашриёти.
2. “Баркамол аволд Ўзбекистон тарақиқиёти пойдевори” Тошкент. 1997 й.
3. Н. Ойдинов “Рассом – Ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари”. Тошкент. “Ўзбекистон” 1992 й.
4. И.А.Каримов. “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. Тошкент. “Ўзбекистон” 1992 й.
5. “Мастера искусств Ўзбекистана. Чингиз Ахмаров”. Гафура Гуляма. 1979 год.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
7. Авлиёқулов Х.Т. “Змонавий ўқитиш технологиялари”. Тошкент. 2001 й.
8. “Педагогика”, Ўқитувчи нашриёти. Тошкент. 1997 й.
9. Г.Смирнов, А.Соловёв. “Бошловчи рассомларга” Ленинград. 1962 й.